

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГОРИЗОНТАЛ ВА ВЕРТИКАЛ УСЛУБИЁТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14543623>

Эгамбердиев Азизбек
фалсафа фанлари доктори, профессор
Андижон давлат педагогика институти
Педагогика факультети декани

Аннотация: Мазкур мақолада интернетдан фойдаланишинг горизонтал ва вертикал услубиёти таҳлил қилинган. Рақамли трансформация жараёнида ахборот уммонида чўкиб кетмаслик учун маълумотлардан фойдаланиши амалиёт турлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Горизонтал услуг, вертикал услуг, интернет, рақамли трансформация.

Глобаллашув ва рақамлаштириш жараёни қанчалик оммавий ва универсал характерга эга бўлмасин, ҳар бир маданият ва ҳар бир жамиятга уникал таъсир кўрсатиши намоён бўлмоқда. Мисол учун, минерал ўғитлар маданий ўсимликларнинг ривожига ҳисса қўшиш билан бирга, ёввойи ўтларнинг ҳам кўпайишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда эса ёввойи ўтлар минерал ўғитлар ҳисобига маданий ўсимликларни буткул йўқотиб юбориши ҳам мумкин. Шунга ўхшаш ҳолатни ахборотлашув жараёнида ҳам кузатиш мумкин. Ахборотлашув жараёнида ижтимоий қадриятларнинг ўзига хослиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай муаммоларнинг энг асосийси эса билим ва маърифатнинг қадрият даражасига етмаганидир. Бу борадаги жараёнларни қуидагича таҳлил қилиш мумкин. Маълумки, рақамлаштириш жараёнида ахборот горизонтал, яъни маълум бир жамият аъзоларини, бошқача айтганда, ахборот истеъмолчиларини танлаб ўтирунган тарқалаверади, истеъмол қилишга мажбурланади. Соддароқ қилиб тушунирадиган бўлсак, Ўзбекистондаги файласуфлардан бири сифатида сиз ижтимоий тармоқдаги “Фалсафий асарлар”, “Файласуф устозлар” ёки “Ўзбекистон файласуфлари” гуруҳига аъзо бўласиз. Бу билан сиз ўртacha савиядаги фалсафа домласини қизиқтириши мумкин бўлган барча маълумотлар билан танишишга мажбур бўласиз. Бу ўринда савиянинг ортиши қанчалик реал деган саволга аниқ жавоб бериш қийин. Лекин энг асосийси маълумотларнинг горизонтал тарқалиши натижасида инсон капиталига птур өтади, унинг

қимматли вақти ва бошқа ресурслари ўртамиёна одамнинг қизиқишилари учун сарфланади. Агар бу моделни кафедра, факультет ёки ҳар қандай катта-кичик жамоаларнинг ижтимоий тармоқдаги гурухларига нисбатан татбиқ қилинса, масала янада ойдинлашади. Албатта, бундай гурухлар аксари ўртамиёна одамлардан иборат эмас. Касбий ва бошқа ижтимоий мансубликка оид интернет гурухларининг қатор ижобий томонлари ҳам мавжуд. Жумладан, жонли ўзаро ижтимоий мулоқотнинг ўрнини компенсация қиласи, ахборот алмашинувини таъминлайди, гуруҳ янги аъзоларининг ижтимоийлашувига кўмаклашади. Муаммо шундаки, бутун жамият аъзолари ичида билим даражаси анча паст бўлганлар кўпроқ. Уларга ахборот тарқатиш имкониятининг берилиши натижасида жамиятимиз шу даврга қадар тўқнаш келмаган салбий ҳолатлар – оммавий беҳаёлик, товламачилик ва муттаҳамлик тренд даражасига чиқиб бормоқда. Чунки шу каби деструктив контентнинг қизиқувчилари кўпроқ ва бундай маълумотга талаб юқорироқdir.

Маълумотнинг горизонтал тарқалиши – дунёқараши ва савиясидан қатъи назар, истеъмолчиларга маълумотларни улашиш ва кўришга мажбур қилувчи манбалар орқали тарқатишидир. Бу ахборотлаштиришнинг энг салбий томони ва жамиятда қадриялар трансформациясига олиб келаётган жуда муаммоли вазиятлардан биридир. Бу ҳолатни янада яхшироқ тушуниш учун бир қатор мисолларга мурожаат қиласи. Айтайлик, совет даврида бирор бир ижтимоий муаммо, масалан, илм-фаннинг тараққиётдаги ўрнини жамият аъзоларига тушунтириш, етказиш учун маълум бир тайёргарликка эга бўлган кишилардан иборат лекторлар гуруҳи тузилган ва уларга маълум ҳудуддаги аҳоли пунктларида мавзудан келиб чиқсан ҳолда тушунча ва маълумотлар бериш, тарғибот ишларини олиб бориш топширилган. Ўз навбатида, жойлардаги инсонлар лекторларни тинглаган ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олганлар. Шу ўринда қиёслашимиз янада тушунарли бўлиши учун ана шу лекторнинг ўрнига мавзу бўйича умуман маълумотга, билимга эга бўлмаган, бироқ жамоатчилик олдида ёлғон гапиришдан тоймайдиган инсонни кўз олдимизга келтирайлик. Ҳамманинг ўз субъектив дунёқарашидан келиб чиқиб алдаши табиий ҳол, аммо бундай тарғиботчилар ижтимоий онгга салбий таъсир кўрсатишади. Ҳозирги кунда эса ахборот маконида фаол бўлган, етарли билимга эга бўлмаган айрим кишиларнинг турли ҳаётий ҳолатларни талқин этишга уринишларини, хатти-ҳаракатларини айнан ана шундай саводсиз, ўзи билмайдиган нарсалар ҳакида бошқаларга тушунча беришга уринаётган одамга ўхшатиш мумкин. Иккинчи мисол, пандемия шароитида инфодемия деб номланган ижтимоий ҳодиса юз берди ва ёлғон маълумотларнинг тарқалиши ортидан одамларнинг ҳалок бўлиши қузатилди. Касаллик ҳақидаги мифлар,

касалланганларга қарши нафрат ва даволаш билан боғлиқ ижтимоий тармоқда тарқалган хабарлар ортидан халқаро миқёсда чоралар кўришга тўғри келади¹. Ўзбекистонда ҳам пандемия даврида касалликнинг юқиши ва даволаниш билан боғлиқ минглаб асоссиз ахборотлар тарқатилди. Ушбу маълумотларга ишониш оқибатида эса қанча одам ҳалок бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Ахборотнинг горизонтал тарқалишига қарши курашилмаса, бутун жамиятнинг савияси тушиб боравериши ва оқибатда инсоният тараққиёт йўлидан эмас, таназзул йўлидан бориши мумкин. Ҳозирги кунда ижтимоий ахборотнинг горизонтал тарқалишига қарши кураш механизмлари мавжуд эмас. Инсоннинг мажбурий ахборот манбалари – касбий ва бошқа жамоа гуруҳлари орқали тарқалаётган савиясиз маълумотлардан ҳимояланиш усуллари мавжуд эмас. Лекин келгусида жамият аъзолари ўзини кераксиз маълумотлардан асрарнинг анча оқилона йўлларини ўйлаб топиши мумкин ва бу ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Рақамли трансформация жараёнида ахборот уммонида чўкиб кетмаслик учун маълумотлардан вертикал фойдаланиш амалиётига ўтиш керак. Бу қандай юз беради? Вертикал хусусиятга эга бўлган маълумотлар оммавий эмас, хусусий характерга эга бўлади. Айтайлик, қайсиdir санъаткорнинг фарзанд кўргани ёки қайсиdir машҳурнинг ўлими ҳақидаги хабарни ўнлаб манбалардан такрор-такрор ўқимасдан, фақат шахсга оид маълумотлар билан танишиш жараёни ахборотдан вертикал фойдаланиш деб аталади. Мисол учун, шахс рақамлаштириш жараёнида таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий зарурий хизматларни рақамли технологиялар орқали олиши мумкин. Жумладан, поликлиникага электрон навбатга туриш, электрон тизимлар орқали солиқ тўлаш ва ҳ.к. Бундан ташқари шахснинг ахборотдан вертикал фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур бўлади. Ҳозирги кунда анча оммаболигини йўқотган интернет сайtlари маълумотлардан мақсадли фойдаланишнинг муҳим манбасидир. Одатда маълум бир сайтга мурожаат қилган фойдаланувчи у ердаги контентга жамоатчиликнинг муносабатини билавермайди ва шу орқали ўзининг шахсий муносабатини шакллантириш имконига эга бўлади. Шунингдек, кутубхоналар ва бошқа илмий базалар ҳам ахборотдан вертикал фойдаланиш манбаларидир. Ушбу контентлар ҳам ўзининг моҳиятига кўра анча савияли ва майший муҳокамалардан юқори турадиган даражадаги маълумотлар тизимиdir. Қисқача айтганда, шахсга

¹ Борьба с инфодемией на фоне пандемии COVID-19: поощрение ответственного поведения и уменьшение пагубного воздействия ложных сведений и dezинформации // URL: <https://www.who.int/ru/news/item/23-09-2020-managing-the-covid-19-infodemic-promoting-healthy-behaviours-and-mitigating-the-harm-from-misinformation-and-disinformation>

маълумотларни тиқишириш ўрнига ундан эркин, танлов асосида фойдаланиш имкониятини яратиб бериш зарур. Ахборотдан вертикал фойдаланиш механизмларини жорий қилиш эса айнан ана шу катта муаммони ҳал қилиш йўлларидан биридир. Сўнгги вақтларда урф бўлган турли давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг интернетдаги гурухлари одатда унинг аъзоларини сафарбар қилиш ўрнига майший ва майда мавзулар орасида ўралашиб қолиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Чунки кўпинча ана шу гурухларда асосий контентни билимли ва мулоҳазали аъзолар эмас, балки тажрибасиз ва анча савияси паст бўлган иштирокчилар яратади. Чунки уларда ёзганлари учун масъулиятдан қўра, фикрини, ҳиссиётларини, муносабатини билдириш истаги юқорироқ бўлади.